*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 17 февраль
ШАНБА
№ 41 (4.835).

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси**

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ДЕҲҚОН ТАОМИЛИ

## ДУРКУН КЎЧАТ— ҲОСИЛ ТАМАЛИ

Маълумки, соғлом, бақувват кўчат сабзавот экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан биридир. Парник ва иссиқхоналар ходимлари бунга катта эътибор беришлари лозим. Ўтган йилнинг қийин об-ҳаво шароитларини мардонавор енгган сабзавоткорлар саноат марказлари ва шаҳарликлар дастурхонига икки миллион тоннадан кўп маҳсулот етказиб беришди. Бунда, айниқса Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган вилоятларининг сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликлари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Тошкент районидаги К. Маркс номли, «Ленин йўли», Навоий номли колхозлар, «Тошкент» совхози, Калинин районидаги Калинин номли, «Партия XX съезди» колхозлари ҳамда «Қорасув» совхози ва бошқа хўжаликларда сўнгги йилларда экилаётган кўчатлар сифати яхшиланаётгани туфайли ҳосилдорлик юқори бўлмоқда. Шу билан бирга экинларга комплекс ишлов беришнинг истиқболли усуллари тобора кенг жорий этилаётгани ҳам юқори ҳосил етиштиришда катта аҳамият касб этаётир.

Помидор, чучук қалампир, бақлажон, карам каби кўчат қадаш йўли билан ўстириладиган сабзавот экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омили саралаган, соғлом, бақувват кўчатлар экиб тўлиқ гектарлар яратишдир.

Сифатли кўчат экилган сабзавот пайкалларидан олинадиган ҳосил миқдори ҳамма вақт 20—22 фоиз кўп бўлади. Маълумки, хўжаликларда кўчатлар асосан енгил плёнка ёпилган иссиқхоналарда етиштирилмоқда. Бундай кўчатхоналардаги ниҳолларнинг бақувват ва сифатли бўлишини таъминлаш учун уларни чиниқтириш даркор. Бу тадбир кўчатлар расадлангандан сўнг, ниҳоллар ўзини яхши тутиб олгач бажарилади. Мазкур юмуш дастлаб кўчатхона дарчаларини очиб шамоллатиш, далага олиб чиқиб экишга 10—15 кун қолганда эса иссиқхонанинг бош ва ён томонлардаги туйнукларини бутунлай очиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Экинлар ҳосилдорлиги ва унинг етилиш, пишиш муддатлари асосан ана шу чиниқтиришнинг қай даражада олиб борилганлигига боғлиқ. Ривожланишдан орқада қолган, кўп ҳолларда расадланмаган, нимжон, чиниқтирилмаган кўчатлар экиш мева тугиш жараёнининг сусайишига, ҳосилнинг кам бўлишига, кечикишига олиб келади. Мана шунинг натижасида помидор пайкалларидаги ҳосил июль ойининг охири, августнинг бошларида пишаётир. Бу—маҳсулот эл дастурхонига 2—3 ҳафта кечикиб етиб келмоқда, деган гап.

Шу кунларда кўчатхоналарда эртаги карам ва помидор ниҳоллари парваришланаяпти. Ўртапишар навли помидор уруғларини сепишга ҳозирлик кўрилмоқда. Помидор уруғларини сепишдан олдин уларга стрик, столбур ва мозаика касалликларига қарши албатта қиздириш йўли билан ишлов бериш лозим. Ўртапишар нав уруғларини февраль ойининг биринчи ярмида, кечки навларни эса февралнинг учинчи ўн кунлигида сепиш тавсия этилади. Чучук қалампир ва бақлажон уруғларини ҳам шу муддатда сочиш керак. Бир гектар майдонга етадиган миқдорда кўчат тайёрлаш учун сепиладиган уруғ нормалари қуйидагича бўлиши лозим: помидор уруғи 500—550 грамм, чучук қалампирники 700 грамм, бақлажон—600—650 грамм, карам уруғи эса 600—650 грамм.

Аксарият хўжаликларда белгиланганидан 1,5—2 ҳисса кўп уруғ сарфланади. Униб чиққан ниҳоллар кўчатхона майдонлари етишмаслиги сабабли расадланмай қолади. Натижада ниҳоллар қалинлиги нормадан 2—3 маротаба ошиб кетади ва уларнинг яхши ўсиб-ривожланиши учун ноқулай шароит вужудга келади. Бундай ҳолларда кўчатларнинг устки қисми тез ўсади ва заиф бўлиб қолади, илдиз қисми эса яхши ривожланмайди. Кўчатларнинг қалин бўлиши илдиз бўғзи атрофидаги намликнинг кўпайишига, ҳаво алмашинув жараёнларининг бузилишига сабаб бўлади. Бу эса қорасон, яъни илдиз чириш касаллиги билан зарарланишга олиб келади. Бундай кўчатлар далага чиқариб экилганда яхши амал олмайди.

Шунинг учун уруғ униб чиқиб, 2—3 чинбарг пайдо бўлганидан сўнг уларни расадлаш керак. Бунда майдоннинг кенглиги помидор кўчатлари учун 6х6 ёки 7х7 сантиметр, карам учун 6х5 сантиметр, чучук қалампир ва бақлажон ниҳоллари учун 5х5 сантиметр бўлиши шарт.

Кўп йиллардан бери Сабзавотчилик илмий текшириш институтининг тажриба хўжалиги меҳнаткашлари помидорнинг Октябрь, Ўзбекистон, Прогресс, Восток, чучук қалампирнинг Тошкент туҳфаси, Зумрад ва бақлажоннинг Аврора навларидан сифатли кўчатлар етиштиришмоқда. Хўжаликнинг Абдураҳмон Раззоқов, Абдувосит Маҳаммаджонов, Обиджон Умарқулов бошлиқ бригадалари аъзолари гектаридан 500—550 центнердан помидор ҳосили териб олмоқдалар. Улар меҳнатдаги юқори кўрсаткичлари учун ўтган йилда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломи ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

**Р. АБДУЛЛАЕВ,**
**Сабзавот, полиз экинлари ва картошка илмий текшириш институти илмий ходими.**

## ОСОЙИШТА ЯШАШ ВА МЕҲНАТ ҚИЛИШ УЧУН

«Ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат!» — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармони ҳақида Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 5 минг кишилик коллективининг якдил фикри ана шундай.

— Бирлашмада йигирма миллат вакиллари ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар, — дейди бирлашманинг бош директори Г. С. Сидорова. — Меҳнат коллективимиз аъзоларининг 90 фоиздан кўпроғи аёллар бўлиб, уларнинг кўпчилиги кўп болали оналардир. Шу сабабли жамоат тартиби ва ҳавфсизлик, миллатлараро муносабатлар масалалари бизни ҳаяжонга солмай қолмайди. Бизнингча янги фармон кўп жиҳатдан тартиб ўрнатишга, одамларнинг осойишта яшаши ва ишлаши учун шароит яратишга кўмаклашади.

Шу муносабат билан ўтган йил ёзида юз берган воқеани эсладим. Ҳаммамизни ҳаяжонга солган Фарғона воқеалари кунларида тўқувчи мотористлар гуруҳи бир нотаниш аёлни ҳузуримга олиб келишди, бу аёл Қувасой, Тошлоқ ва Кўқондаги воқеалар тўғрисида ҳар хил уйдирмалар тарқатиб хотин-қизларни ишга чиқмасликка даъват қилган экан. Биз дарҳол милицияга қўнғироқ қилдик, лекин бизга бу аёлни ушлаб туришга ҳеч қандай асос йўқ деб, у билан гаплашиб, сўнгра қўйиб юборишни тавсия этишди. Биз шундай қилдик.

Энди вазият бошқача: ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бундай миш-миш тарқатувчиларни, жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этувчиларни нима қилишни яхши биладилар.

Кўп миллатли коллективимизда фармон ҳар бир бригадада муҳокама қилинди. Коллективимиз бутун Ўзбекистон территориясида осойишта яшаш ва бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш учун нормал шароит яратишни илтимос эмас, балки қатъиян талаб қилмоқдалар. Ўз навбатида бирлашмада ишлаётган ҳар бир ходима ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга одамларнинг оммавий эҳтиёжини қондириш учун бутун кучини сарфлашга тайёр.



## САРБОН

Ҳаёт сўқмоқлари жуда сермашаққат. Ундан фақат иродаси мустаҳкам, эътиқоди юксак кишиларгина дадил одимлай олади ва ўз мақсадига эришади. Қўчқоржон буни ўрта мактабда ўқитувчилик қилган чоғиданоқ ҳис эта бошлади. Дастлаб ташвишлари камроқ эди. Кейинчалик «Партия XXII съезди» колхози аъзолари уни правление раиси қилиб сайлашди. Қашқадарё областидаги илғор хўжаликлардан бирининг раҳбарини область партия комитетига бот-бот чақириб туришарди. Гоҳ семинарга, гоҳида муҳим масала юзасидан маслаҳат сўраб. Бу галги ташриф эса бошқачароқ эди.

— Таклифимиз бор, — дейишди унга, — сизни Косон район партия комитетининг биринчи котиблигига тавсия этмоқчимиз. Районни ҳам, одамларини ҳам яхши биласиз.

— Колхозда қолдиришингизни илтимос қиламан, — эътироз билдирди Қўчқоржон. — Ўйлаб қўйган режаларим кўп. Уларни амалга оширсам. Бунинг устига шундай масъулиятли ишни эплаш...

— Ўртоқ Тўйчиев, хулоса чиқаришга шошилманг, — дейишди унга, — обдон ўйлаб кўринг. Суҳбатни яна икки кундан кейин давом эттирамиз.

У кўп мулоҳаза юритди. Ахир, колхозда амалга ошириш керак бўлган қанчадан-қанча ишлари бор? Қолаверса кечаги раис...

Область партия комитетидаги кейинги суҳбат жиддий ўтди:

— Сиз — коммунистсиз. Партиянинг ишончини ҳар жойда оқлашингиз керак.

1987 йили Қ. Тўйчиев район партия комитетига биринчи котиб бўлди. Серташвиш, жўшқин кунлар шу тариқа бошланди.

Қўчқоржон партиявий ишни, унинг мураккаблигини биларди. У район, область ва республика комсомол ташкилотларида ишлаган. Тажрибаси бор. Лекин бутун бир районга раҳбарлик қилишнинг фарқи катта, албатта. Эндиликда бир неча колхоз-совхозга, саноат корхоналарига, маданий-маиший, даволаш муассасаларига, мактаблар ва болалар боғчаларига раҳбарлик қилиш зарур. Кунига юзлаб масалаларни ҳал этиш, одамлар билан суҳбатлашиш, уларнинг дардига қулоқ солиш керак.

...Район партия комитетининг биринчи бюро мажлиси Қўчқоржоннинг умрбод эсидан чиқмайди. Ўшанда ҳамма янги котиб нима деркин, деб унинг оғзини пойлашди.

У юрак сўзларини топа олди: «Барчамиз ўз фаолиятимизни қайта қуриб, янгича иш тутайлик. Бугундан бошлаб вазифаларни ҳамжиҳатлик билан ҳал этайлик. Мураккаб масалаларни биргаликда кўриб чиқайлик». Унинг фикрини бир овоздан маъқуллашди.

Қўчқоржон Тўйчиев район партия комитети котиблигига сайлангач, барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Саноатда кейинги уч йилда асосий фондлар кўпайди. Шу муддат ичида 216,7 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Давлатга 56 минг тонна пахта толаси, 77 минг тонна ўсимлик мойи, 4 миллион сўмликдан зиёд қандолат маҳсулотлари етказиб берилди. Ёғ-экстракция заводида янги цехлар ишга тушди, 162 минг квадрат метр саҳнли турар жой, 21 та мактаб, 10 та болалар боғчаси, 150 километр янги йўл қурилди.

— Энг муҳими—одамларнинг кўнглига йўл топа билиш, уларга далда бериш, коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш, —деди Қўчқоржон Тўйчиев.

Косон район партия комитетининг биринчи котиби, камтарин инсон сифатида одамларга меҳр-муҳаббат қўйган. У ҳамиша меҳнат аҳлига — коммунистларга, комсомол-ёшларга, миришкор деҳқонларга таяниб иш кўради. Шунинг учун ҳам у эл эъзозида, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Унинг 220-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир. Сайлов куни ҳамюртлари Қўчқор Тўйчиевга якдиллик билан овоз беришларига аминмиз.

**И. АЛИМОВ.**

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА

**МОСКВА, 15 февраль. (ТАСС).** Парламентимиз учинчи сессиясининг навбатдаги мажлиси бугун эрталаб СССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди. Мажлисга А. И. Лукьянов раислик қилди.

Сўнгги кеча-кундуз мобайнида СССР Олий Советига коллективлар ва айрим гражданлардан келган телеграммалар аввалги мажлисда депутатлар сессия ишини асосий, жуда катта аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаларидан бошлаш кераклигини талаб қилганликлари улар бошқаларга нисбатан ҳақиқатга яқинлашганликларини тасдиқлади.

Мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан доклад қилган СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин комитетлар ва комиссияларда қонун лойиҳасини ўтказиш тарихини, унинг умумхалқ муҳокамаси натижаларини эслатди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, деди у, депутатлар мулк тўғрисидаги қонунни қандай қабул қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Докладчи ҳатто шундай фикрни ҳам айтди: Совет ҳокимияти ташкил топганидан бери ўтган 72 йил ичида бу даражада чуқур ва туб ўзгаришлар бўлмаган эди. Қонун лойиҳасининг моҳияти шундаки, у мулкчиликнинг турли-туман шакллари тўғрисидаги принципиал қоидага асосланган.

Шундан кейин депутатлар СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари Ю. Х. Калмиковнинг ахборотини тингладилар. У қонун лойиҳаси комитетлар ва комиссияларда муҳокама қилинганлигини ҳисобга олиб, уни таърифлаб берди. Ю. Х. Калмиков СССР Олий Совети биринчи муҳокамада маъқуллаган лойиҳа қонунга асос қилиб олинганини қайд этди. Айни вақтда депутатлар қонун лойиҳасининг учта бошқа муқобил вариантлари билан, шунингдек «муаллифлик лойиҳалари» деб аталган 30 та лойиҳа билан ҳам муфассал танишдилар, уларнинг барчасида таклиф этилган оқилона фикрлардан фойдаландилар. Меҳнаткашлардан қонун чиқарувчилар номига узлуксиз келиб турган таклифлар ҳам табиийки, эътиборга олинди.

Шундан сўнг СССР Олий Советининг иқтисодий ислоҳот масалалари комитети номидан сўзга чиққан А. Н. Бойко қонун лойиҳасининг концепцияси, тузилишига тўхталди. Унинг қабул қилиниши муҳимлигини таъкидлади.

Л. И. Абалкин депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сессия кун тартибига ҳозирча 21 та долзарб масала киритилган. Лекин бу кун тартибига яна бошқа масалалар киритилмайди, деган маънони билдирмайди. Сессия чоғида қўшимчалар ва аниқликлар киритилиши мумкин.

## Область Советининг сессияси

**ҚАРШИ, 16 февраль.** (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Қашқадарё область Советининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

В. И. Сускин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Қашқадарё область партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Темир Пўлатович Хидиров яширин овоз бериш йўли билан область ижроия комитети раислигига сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида журналистлар билан учрашув анъанага айланди. 15 февраль куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Ж. Ҳ. Ҳамидов ва Р. А. Попов келдилар. Мамлакатимиз ва республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмушига доир кўплаб масалалар ўртага қўйилди. Булар энг аввало КПСС Марказий Комитети февраль пленумининг якунлари, КПСС XXVIII съездига партия Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасининг қабул қилиниши, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови масалаларидан иборат. Республиканинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш усулига ўтиш муаммолари ошкора суҳбатда муҳим ўринни эгаллади, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқболли йўллари, давлат программасининг «иш билан таъминлашдек» жуда муҳим масаласи амалга оширилиши тўғрисида гап борди.

Учрашувда ҳозирги мураккаб вазиятда, қайта қуриш жараёнларининг бурилиш даврида оммавий-ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда фаол иштирок этиши, барча тараққийпарвар кучларнинг жипслашувида бирлаштирувчилик ролини ўйнаши, партия сиёсати ва мафкурасини, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини амалга оширувчи муҳим восита бўлиши керак, деб таъкидланди.

## СОВЕТ—АВСТРАЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

**КАНБЕРРА, 15 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари).** Бугун бу ерда Австралияга расмий ташриф билан келган СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков ва Австралия Бош министри Р. Хоук ўртасидаги музокаралар ниҳоясига етди.

Совет ҳукумати бошлиғига ҳамроҳ бўлиб келган кишилар ва Австралиянинг тегишли вакиллари иштирокида ўтган якунловчи учрашувда асосий эътибор совет иқтисодий ислоҳотининг турли жиҳатларига ҳамда ана шу муносабат билан Совет — Австралия савдо-иқтисодий алоқаларини бундан буён ҳам кенгайтириш учун вужудга келаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан Австралияга совет машина ва ускуналарини экспорт қилишни кенгайтириш йўли билан икки томонлама савдо-сотиқни кўпроқ мутаносиблаштиришга эришиш мақсадида ҳар икки томоннинг куч-ғайрат сарфлаши зарурлиги тўғрисида якдил фикрга эришилди. Австралия томони Совет Узоқ Шарқи билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга катта қизиқиш билдирди.

Фан-техника, маданият, инсонпарварлик соҳаларида ва бошқа соҳаларда икки томонлама муносабатларнинг аҳволи ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз халқлари бир-бирларини кўпроқ ва яхшироқ билишлари керак, деган фикр билдирилди.

Н. И. Рижков Австралияга келишидан олган таассуротларига тўхталиб, ташриф эзгу ният муҳитида ўтганини таъкидлади. Биз, деб уқтирди Совет раҳбари, бу муҳитни Австралиянинг мамлакатимизга, совет халқига нисбатан хайрихоҳлик ва дўстлик ҳис-туйғуларининг намоён этиши, деб биламиз.

Иккала томон ҳам амалий ва аниқ тусда ўтган музокаралардан мамнуният изҳор этиб, СССР Министрлар Совети раисининг Австралияга визити турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни жўшқинлаштириш учун жиддий омил бўлишига умид билдирдилар.

Н. И. Рижков Австралия Бош министрига Совет Иттифоқига расмий ташриф билан бориши тўғрисидаги таклифномани топширди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

Музокараларнинг якунловчи даврасидан олдин Совет — Австралия ҳужжатларини: консуллик шартномасини, одамлар ўртасида алоқалар тўғрисидаги ва инсонпарварлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги, ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни, шунингдек балиқчилик ва Совет Иттифоқига Австралиядан хом ашё ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш соҳасидаги ҳамкорликка доир иккита иқтисодий битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

СССР Министрлар Советининг раиси Канберрада бўлиб ўтган матбуот конференциясида ташриф якунларидан — Совет ҳукумати бошлиғининг иккала мамлакат ўртасида 1942 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейинги биринчи ташриф якунларидан мамнуният изҳор этди. Биз иқтисодиёт соҳасидаги кўпгина масалаларни муҳокама эта олдик ва бизнес вакиллари Совет Иттифоқи билан ҳамкорликка ниҳоятда қизиқиш билдираётганликларини ҳис этдик, деди у. Бу кейинги йилларда вужудга келган зўр ишонч натижасидир.

Биз икки томонлама музокаралар чоғида ва Р. Хоук билан яккама-якка суҳбатда қайта қуришимизга мадад олдик, деб таъкидлади у. Барча суҳбатларимиз, барча учрашувларимиз амалий тусда бўлиб, мамлакатимизга нисбатан эзгу ният, ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғулари билан йўғрилган эди. Австралия халқи Совет Иттифоқига ғоят ижобий назар билан қарашини ҳис этдик. Биз бу ерда дўстлардек учрашиб, муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланаверишига янада қатъий ишонч билан хайрлашаяпмиз.

Журналистлар Н. И. Рижковга қайта қуришга, совет ташқи сиёсатига, иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик истиқболларига тааллуқли саволлар беришди.

* * *

Бугун Совет Иттифоқидан келган меҳмон Канберра яқинидаги «Байонг» фермасига борди. Бу ферма қўйчиликка ва гўшт етиштиришга ихтисослашган. Меҳмон ферманинг 1,7 минг гектар майдондаги экинзорларини ва подаларини кўздан кечирди, ферма эгаси Я. Кьюсак билан суҳбатлашди.

Фермада атиги икки киши — хўжайин ва ёлланган хизматчи ишлар экан. Улар 4500 совлиқ ва 180 бош сигирдан иборат подани парвариш қилиб, қиш даврида чорва молларини боқиш учун беда ва сули етиштириш билан шуғулланишади.

Шу куниёқ Н. И. Рижков Сидней шаҳрига жўнаб кетди. Бу ерда у «Эй-даблью-эй микроэлектроникс» интеграл микросхемалар ишлаб чиқарувчи корхоналарда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, корхона раҳбарияти ва ишчилар билан учрашди.

Совет раҳбари Сиднейда Австралиядаги энг катта Янги Жанубий Уэльс штатининг Бош министри Н. Грайнер билан учрашиб, суҳбатлашди. Кечқурун штат Бош министри СССРдан келган меҳмон шарафига зиёфат берди.

Жума куни эрталаб Н. И. Рижков Австралияга ташриф ниҳоясига етгач, Сингапурга жўнаб кетади.

ЎЗТАГ ҲУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МАТБУОТ ГРУППАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ТЎРТИНЧИ БОШҚАРМА ТУГАТИЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг республика партия, совет идораларига ва жамоат ташкилотларига қилган жуда кўп мурожаатларини ҳисобга олиб, СССР Олий Совети имтиёзлар комиссиясининг тавсияларига амал қилиб, ижтимоий адолат принципини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги IV бош бошқармани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бошқарманинг тиббий ва санаторий муассасаларини, жумладан икки поликлиника, икки касалхона ва тўрт санаторийни оналар ва болаларнинг даволаш-диагностика марказини ташкил этиш ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари умумий фойдаланиши учун топширишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги собиқ IV бош бошқарма объектларини топшириш ва уларни юқорида кўзда тутилган мақсадларга мослаштириш билан боғлиқ барча ташкилий, хўжалик, молиявий ва кадрлар масалаларини ҳал қилиш учун СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси, уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов бошчилигида идоралараро-жамоатчилик комиссияси тузилди. Комиссия таркибида уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон кенгаши раисининг ўринбосари Г. И. Скоробогатов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг котиби Тоҳир Малик, Тошкент область, Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси С. Муҳаммаджонов, Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Р. И. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти марказий комитетининг раиси О. Т. Воҳидова, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлими раисининг ўринбосари И. Т. Юсупова, Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгашининг секретари О. К. Адаманов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик А. М. Акромхўжаев ва бошқалар бор.

Комиссия ишга киришди.

## Дўстликка раҳна тушмасин

Фарғона области меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармонини мамнуният билан кутиб олдилар.

— Ўз вақтида чиқарилган фармон, — деди 1931 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер П. М. Неровний. — Ёлғон миш-мишлар тарқатаётган, миллатлараро ихтилофларни авж олдираётганлар йўлини тўсиш вақти етди. Жамият муқаддас туйғу — халқлар дўстлигига путур етказаётганлардан муҳофаза қилиниши лозим. Бундай кишиларни энг қаттиқ қонунлар билан суд қилиш зарур. Фарғона воқеалари акс-садоси такрорланмаслиги лозим.

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

СССР Министрлар Совети 1990 йил 14 февраль куни «Макеевуголь» бирлашмасининг Поченков номли шахтасида юз берган авария натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг оилаларига, қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ҳукумат комиссиясига ва тегишли давлат идораларига авария оқибатларини тугатиш, жабрланганларга ҳамда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам бериш учун зарур чораларни кўриш топширилди.

**СССР Министрлар Совети.**

